

52 (552)-сон

— 57 —

588-модда

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

588 Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Ирландия Ҳукумати ўртасида икки томонлама солиқ солинишига йўл қўймаслик ҳамда мулк ва даромад солиқлари тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш тўғрисида 2012 йил 11 июль куни Дублин шаҳрида имзоланган Конвенция тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси томонидан мазкур халқаро шартнома кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тартиб-тамойиллари бажарилгани тўғрисида тегишли билдиришнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга киргандан кейин белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан назоратни таъминласинлар.

4. Мазкур карорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 28 декабрь,
ПҚ-1896-сон